

## **ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИДАГИ ТАБИИЙ ГАЗ КОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Искендеров Алишер Базарбаевич**  
**Абдираманов Бахтияр Сағыйдулла улы**  
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

### **АННОТАЦИЯ**

*Орол денгизи ҳудуди ҳозирги даврда кенг миқёсда ўрганилган ва ўрганилаётир. Орол денгизи муаммоси билан боғлиқ бир қанча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Ўлкамиздаги фойдали қазилма бойликларини ўрганишда ер ости бойликларининг пайдо бўлиш шароитлари ҳамда улардан турмушда фойдаланиш аҳамиятини кенг миқёсда таҳлил қилиш керак.*

**Калит сўзлар:** *Орол денгизи, Орол денгизи муаммоси, Устюрт газ-кимё мажмуаси, Шохпахта, Шимолий Устюрт, Қувонч, Урга, Бердақ, Учсой, Ақшолақ.*

### **ABSTRACT**

*The territory of the Aral Sea has been studied and is being studied on a large scale at the present time. A number of scientific research works related to the problem of the Aral Sea have been carried out. In the study of mineral resources in our country, it is necessary to analyze on a large scale the conditions of occurrence of underground resources and the importance of their use in life.*

**Key words:** *Aral Sea, Aral Sea problem, Ustyurt gas-chemical complex, Shokhpakhta, Northern Ustyurt, Kuvonch, Urga, Berdaq, Uchsoy, Aksholaq.*

### **КИРИШ**

Ҳозирги вақтда Жанубий Оролбўйидаги табиий газ конлари республикамизнинг импорт ўрнини боса оладиган энергия ресурслар билан ўз-ўзини таъминловчи дастурларни ишлаб чиқишда алоҳида ўрин эгаллайди. Жанубий Оролбўйи иқтисодиёти устивор йўналишларидан бири минтақадаги ер ости бойликлари ресурсларини топиш, зонасини аниқлаш ва фойдаланишга йўналтирилган.

Оролбўйининг фойдали қазилма бойликларидан бири табиий газ бўлиб улар, Шохпахта, Шимолий Устюрт, газ конденсатлари Қувонч, Урга, Бердақ, Учсой, Ақшолақ табиий газ конларидан иборат.[3] Ушбу минтақада башоратланган захираларни қайта ҳисоблаб, уларнинг захиралари бўр ва юра

даври ётқизикларига таалуқли. Регионнинг асосий табиий газ конлари бир неча геологик объектларда кўринади. Шунингдек бир қатор захирасининг тадқиқотларда яхши ўрганилган икки табиий газ конини регионнинг умумий табиий газларнинг жойлашишини кўриш мақсадида Шохпахта ва Қуваниш табиий газ конларини мисол тариқасида олиш мумкин.[5] Улар. Бу табиий газ конлари комплексли геологик ва геофизик тадқиқотлар натижасида истиқболли деб топилган. Табиий газ конларига географик тавсиф беришда А.М.Акрамходжаев, А.Г.Бабаев, А.А.Бакиров, И.О.Брод, А.А.Борисов, В.Г.Васильев, О.С.Вялов, Г.Х.Дикенштейн, Б.Ф.Дъяков, Н.У.Имашев, Н.А.Калинин, Н.В.Неволин, И.В.Скворцов, А.И.Смолко, В.П.Токарев, М.М.Чаргин, Ю.А.Федотов каби атоқли геолог олимларнинг тадқиқотларига меҳнатлари орқали ўрганамиз.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Оролбўйи зонасида ҳозирги вақтда геологик маълумотларга қараб 2 трлн м.куб газ ва 1,7 млрд тонна суюқ углевод энергия ресурслари жойлашган. Оролбўйи зонасида 8 табиий газ конлари очилган бўлиб, улардан 100 млрд м.куб газ маҳсулоти олиш мумкин. Газ конденсат конлари Урге, Бердак, Учсой конларида ундирилиб, уларнинг суткалик уними 5 млн м.куб газни, конденсат маҳсулотлари эса йилига 12 млн. тоннани ташкил қилади. Табиий газни қайта ишлаш дастури Ўзбекистонда кенг миқёсда ривожланмоқда. «Газли» кўшимча компрессор станцияси ишга туширилди, «Кўнғирот» компрессор станциясида кунига 35 миллион куб метр газни қуритадиган иншоот барпо этилди. Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши тасдиқланган мамлакатимиз саноатини кенг кўламли модернизация қилиш дастури доирасида амалга оширилди. Бу нефт-кимё соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки МДХ ҳудудида узоқ муддатли лойиҳавий молиялаштириш асосида ҳаётга тадбиқ этилаётган дастлабки кенг кўламли лойиҳадир. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳукуматлари тарафидан тўлақонли сиёсий қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу жараёнлар илимий таҳлил қилиш мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Оролбўйи зонасининг умуман табиий газ конлари жойлашган ҳудуд кенглик бўйича 550 км масофани ташкил этган ҳолда ушбу табиий – географик ҳудуд Орол денгизидан шимолда жойлашган. Шимолий Оролбўйи шимолда Тўрғай платосининг жанубий тик ёнбағри, шарқда Арискум платосининг чинксимон ёнбағри, жанубда қуйи Сирдарё этаклари ҳамда Орол денгизининг ўтган асрнинг 60- йиллардаги туб қирғоқлари ва Устюрт платосининг шимолий чинклари – ғарбда – Чоғрай платоси билан чегараланган.[3]

Худуднинг марказий қисми платодан иборат, у палеогеннинг гил, оҳактош ва қумтошларидан ташкил топган. Плато эрозия натижасида кучли парчаланган, бунинг натижасида кўплаб супасимон баландликлар ва чўққилари яссиланган паст тоғлар таркиб топган. Уларнинг энг юқори қисми қумтош жинслари билан қопланган, ён бағирлари эса тик. Мутлоқ баландликлари 100-250 метр (Оқтов тоғи 248 метр) бўлиб атрофдаги текисликлардан 100 метргача кўтарилиб туради. Ботиклар эса ясси антиклинал структураларга тўғри келади. Улар асосан палеоген ва бўр даври жинсларидан ташкил топган. Ғарбий қисмда бундай ботикларда Катта ва Кичик Бўрсик қумлари мавжуд. Шунингдек, уларда шўрхоқлар, шўрлар ва қуриб қоладиган шўр кўллар ва қуруқ ўзанлар учрайди. Думалоккўл чўкмаси 60 км<sup>2</sup> майдонни эгаллайди.

Иқлимнинг қурғоқчилиги ер усти сувларининг ниҳоятда камлигидан дарак беради. Ёзда қуриб қоладиган кичик кўллар кўп, иссиқ кунлар бошланиши билан уларнинг туби шўрхоқга айланади. Ер ости сувларига ҳам унча бой эмас. Бўр ва палеоген неоген ётқизиқларидаги ер ости сувлари кўпроқ турли даражада шўрланган.[2]

Ўрганиш объектимизда табиий газ конлари палеозой, триас қатламларида учрамайди, сабаби улар мезазой ва кайназой йирик қатламининг остида жойлашган. Маълумотларга кўра палеозойнинг герцин, Мангишлак-гиссар, Ассакааўдан, Дарёлик, Заунгуз ва Орқа Устюрт зоналарида бўлиши мумкин.

Оролбўйи минтақасини табиий газ конларини ўрганиш ҳолатига қараб 4 минтақага бўлиш мумкин: истиқболсиз; кам истиқболли; истиқболли ва юқори истиқболли. [1]

Тадқиқот ишлари кўрсатадики, истиқболли минтақаларни Жанубий ва Жанубий-шарқий Оролбўйи минтақалари, Шарқий Оролбўйи пасттекисликлари, Қозоқдарё, Судочъё кўлтиғи, Талдик, Аққалъа, Мазортўба ва Жанубий Амударё қуйи минтақасида, Устюртнинг Қўшбулоқ пасттекислиги Сам кўлтиғи ҳамда Борсакелмас пастлиги ташкил этади. Бу участкаларда табиий газ конлари пайдо бўлишнинг асосий омиллари углеводородлар йиғилиши ва сақланишига ҳамма шарт-шароитлар яратилганлигидир. Бу зоналарда стратеграфик, литологик ва тиктоник геологик структуралар мавжуд бўлиб табиий газ конларини башорат қилиш экранлари кўринади. Шунингдек, юқори истиқболли участкаларни тадқиқ қилиш даврида қуйидаги геологик харитани ўрганиш орқали табиий газ конларининг жойлашишига географик тавсиф берилган. Табиий газлар жойлашиш тартиби, миқдори ва шу каби омиллар кўрсатилган. Ўрганиш объектимизда истиқболли табиий газ конлари тектоник аҳволи солиштирмали

силжиш ва актив геологик жараён асосида пайдо бўлувчи антиклинал, синклинал геоструктураларнинг фаолиятида пайдо бўлувчи геологик ёриқлар ва йирик геологик бурилишлар киради.

Ўзбекистонда 2005-2020-йиллар оралиғида стратегик программа бўйича углеводород қазиб олиш катта ҳажмда ўсиши бўлди, шундан 15 йил ичида газнинг захираси 1,015 трлн. кубметр, нефтнинг захираси 69,8 млн. тонна ва конденсатнинг захираси 65,7 млн. тоннага кўпайди. Бу бўйича газнинг асосий қисми Устюрт платосига тўғри келади. Бу ердаги газ захираси 579 млрд. кубметрга ортади, яъний стратегик программа давомида аниқланадиган газнинг 53,9 % ни ташкил қилади. Орол денгизи халқимизга қандай езгу ёрдамлар қилган бўлса, ўз фожиасидан кейин ҳам халқимизга ўз ёрдамини бермоқда. Унинг қуриган акваториясидан нефть ва табиий газ конлари топилмоқда.

Оролбўйи минтақасида жойлашган табиий газ конлари геологик тартибдаги ер ости бойликларининг жойлашиши дунёга маълум (МДХ ва чет эллар) табиий газ конларига ўхшашлиги билан тадқиқотчиларни ўзига жалб этади ва минтақанинг келажагида катта имкониятлар бор эканлигини кўрсатади.

### **ХУЛОСА**

Ўзбекистонда ислохотларнинг самарали амалга оширилиши натижасида сиёсий, ижтимоий ва макроиктисодий барқарорлик тобора мустаҳкамланмоқда, хорижий сармоядорлар ва кредиторларнинг мамлакатимизга инвестиция киритишга интилиши ва қизиқиши ортмоқда. Ушбу омил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши баробарида, халқаро сармоядорлар ва кредиторлар учун қулай шарт-шароит яратиш, мамлакатимизда ўз соҳасининг илғор халқаро компаниялари иштирокида лойиҳавий молиялаш асосида кенг қўламли саноат лойиҳаларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

1. Иқлимнинг қурғоқчилиги ер усти сувларининг ниҳоятда камлигидан дарак беради. Шунинг учун гидрогеологик тадқиқотларни самарали ўрганиш;

2. Юқори истиқболли участкаларни тадқиқ қилиш даврида геологик харитани ўрганиш орқали табиий газ конларининг жойлашишига географик тавсифни кенг миқёсда ёритиш;

3. Оролбўйи минтақасини табиий газ конларини ўрганиш ҳолатига қараб 4 минтақага бўлиш мумкин: истиқболсиз; кам истиқболли; истиқболли ва юқори истиқболли эканлигини геологик ва географик нуқтаи назардан ишлаб чиқиш;

4. Орол денгизи ва Устюрт минтақаси табиий газ конларини таққослаб географик шароитларини ўрганиш.

#### **REFERENCES**

[1] Авезходжаев Х., А.Палбеков Литология, геохимия и полезные ископаемые мезозойских отложений Каракалпакии. Т.:Фан. 1976.

[2] Серикбаев М., Қурбониёзов Р., Умаров Э. Жанубий Орол бўйларининг ер-сув ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари. Урганч. 2002.

[3] Умаров Е. Қарақалпақстан Республикасының экономикалық ҳам социаллық географиясы. Нөкис, 2015.

[4] Turdimambetov I., Joldasov A., Iskenderov A., Uzaqbaev Q. Qaraqalpaqstannıń ekonomikalıq hám sociallıq geografıyası. Nókis, 2022.